


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
ХАБАРЛАР-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.Жўраев	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини қўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба	97
Ш.А.Раҳимов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташабbusларнинг объектив зарурияти	101
ФАЛСАФА, СИЁСАТ	
Қ.Назаров, Д.Норматова	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир	106
Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари	109
С.Чориев, Б.Иминов	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя	113
Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш	119
Ҳ.О.Шайхова С.С.Хошимов	
Бугунги дунё ва унинг одамлари	122
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Ҳамдамов	
Абдулла Орипов шеъриятида миллий ҳис-туйғулар талқини	127
Н.Султонова	
Ўзбек адабиётида модификация	130
Қ.В.Юлчиев	
Учликда макон ва вақт категорияси	134
ТИЛШУНОСЛИК	
З. Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси	138
И.Расулов	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси	143
Г.Умаржонова	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи	148
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Р.Джалилова	
Академик қаламтасвиртариҳини ўқитишнинг методологик асослари	152
М.Каримова, Ш.Арипов	
Талабалар ўкув фаоллигини оширишнинг назарий асослари	155
И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов	
Мусиқа маданияти дарсларида ўкувчиларнинг мусиқа тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан	158
ИЛМИЙ АҲБОРОТ	
С.Эватов	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси	162
М.Маматов, О.Азимбеков	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати	165
Ф.Дадабаева	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини	167
Х.Убайдуллаев	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида	169
С.Ҳакимжонова	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари	171
Б.Алимов	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти	174
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	179

УДК: 41+413.141

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲОЛАТ РАВИШЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
СТИЛЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ НАРЕЧИЯ СОСТОЯНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ
THE STYLISTIC FEATURES OF THE ADVERBS OF FREQUENCY IN UZBEK**

С.Ҳакимжонова

Аннотатсия

Мақола ҳолатни ифодаловчи равишиларнинг нутқи услубларида қўлланилишига бағишенган бўлиб, бунда масала мисоллар орқали ёритилган.

Аннотация

Статья посвящена вопросу применения наречий состояния в речевом стиле, при этом тема раскрывается при помощи ярких примеров.

Annotation

The article is devoted to the issues of using the adverbs of state in speech styles, which is demonstrated by examples.

Таянч сўз ва иборалар: ҳолат равиши, услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб, илмий услуб, синонимия, синонимик муносабат, синонимик қатор, оттенка, экспрессивлик, диалектал,

Ключевые слова и выражения: наречие состояния, стиль, разговорный стиль, художественный стиль, научный стиль, синонимия, синонимическое отношение, синонимический ряд, оттенок, экспрессивность, диалектальный.

Keywords and expressions: adverb of state, style, conversational style, literary style, scientific style, synonymy, synongmic relationship, synonymous line, shade, expression, dialectic.

Ҳолат равиши ҳаракат-ҳолатнинг қай тарзда юз берини, қандай усул билан бажарилиши каби маъноларни билдиради: бехосдан, тез(да), қўйқисдан, секин, астойдил, бекорга, пиёда, кетма- кет, аранг, дарҳол, зимдан, базур, қийғос, зўрға, бирдан, бошқача кабилар [1]. Ҳолат маъносини ифодаловчи ҳолат равишилари ўзининг маъно қирралари ва қўлланилиш услубига кўра бир-биридан фарқланади. Ҳолат равишилари тил услубларида турли хил қўлланилади. Улар турли маъно оттенкалари билан ўзига хос маъноларни англатади. Ҳолат равишиларини нутқда тўғри қўллай олиш сўзловчидан маҳорат талаб этади ва бу, нутқнинг янада таъсиранлигини таъминлайди. Тез, илдам, жадал, шитоб, шахт, зудлик билан синонимик қаторида тез барча услубларда учрайди. Сўзлашув услубида: тез; тез-тез каби ҳолат равишилари кўпроқ қўлланилади. Бадиий услубда бу сўзлардан самарали фойдаланилади: **Тез-тез** бўлди. Бу мусулмончиликка қарши қарор **тездә** бекор қилинсин, дея норозилик билдирибди (Т.М.). Илмий услубда: Ҳозирги давр бошқарувида иқтисодий демократияга асосланган ишлаб чиқариш рақобати қанчалик **тез** ривожланса, шунчалик **тез** бозор иқтисодиётни самарадорлиги кўзга ташлана бошлайди (Р.Валижонов).

Тез асосида ясалган **тездә**, **тезлик** билан равишилари ҳам бадиий услубда фаол қўлланилади: Йўлчи гўё

унинг кетишини кутиб турган каби, **тездә** уйга кирди(О). **Тездә** қайтамен. Дадангизга шикаст этмайди, **тездә** қайтади, деган эдингиз (О.Й). Фитна-фасод қанчалар ёлғон бўлса, шунчалар **яшин тезлигида** тарқалади (Т.М). Ушбу равиш даражага кўрсаткичи билан ҳам қўлланилади. Бу ҳолатда ушбу равишининг таъсир кучи янада ошади: Бизни шаҳримизни кўрган одам... **тезроқ** омонатимни топшириб... шу шаҳардан макон топсан дейди! (Т.М). Қозоқлардан насияни **тезроқ** ундиринг, дурустми? Тўйни **тезроқ** ўтказиш хусусида оғиз очмай қўйди (О). Синонимик муносабатга киришув жараённида шаклдаги мослик ҳам сақланади. Масалан, **тезлик** билан – шитоб билан – шахт билан: Мирзо Улуғбек **шитоб билан** ўрнидан турди. Боғларни шовуллатган соевуқ изғирин, гўё уни тўхтатмоқчи бўлгандай **шитоб билан** кўксига урилар, чанг-тўзон ва чархпалак хазонлар юз-кўзларни аёвсиз савалар эди!. Амир, елкасида қора хуржун, ойсимон эгри қиличини эшикка шараклатиб уриб, **шахт билан** кириб келди-да, пойгакка тиз чўкиб, сажда қилди (О.Й). Лекин кейинги икки бирликда **тезлик** биланга нисбатан таъсиранлик кучли. Бунинг устига **тез** ўзаги асосидаги равишилар умуман ҳаракатнинг белгисини англатса, илдам, шитоб, шахт равишилари инсоннинг ҳаракат тарзи билан боғланган: Хуршида бону дадасини, хусусан бир кундаёқ эгик қаддини ростлаб,

С.Ҳакимжонова – ФардУ, ўзбек тили йўналиши талабаси.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

бурунгидай **илдам** одимлаб, нуфузли меҳмонларни ўзи кутуб олиб, ўзи кузатиб қўяётган буваси Салоҳиддин заргарни кўрганида, негадир қайта-қайта Қаландарнинг гаплари эсига тушар ва мавлоно Али Қушчини ўйлар эди... Ойсиз, зим-зиё тунда юриш қийин, оёқ остидаги тошлар ғачир-ғучир қилар, ариқ бўйидаги тол шохлари юзларига урилар, Қаландар эса, ҳеч нарсага парво қилмай, тобора **жадаллаб** борарди (Т.М). Шунинг учун улар ўртасидаги синонимияда бу маъно қирралари аниқ кўриниб туради.

Жадал равиши илмий ва оммабоп услубларда кўпроқ қўлланилади: Уларга ўзини обрўсизлантириб қўйган маъмурий-буйруқбозлик тизими тузоқдан қатъян халос бўлишининг, **жадал** ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишини бирдан-бир йўли деб қаралди (Р.Валижонов). Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар қўлни-қўлга беришиб, **жадал** ишга киришдилар (Газетадан). Бадиий услубда ҳам ушбу равишдан кенг фойдаланилади. Бунда жадал равиши инсон ҳаракатининг тезлашиши билан боғлиқ ҳолда қўлланилади: У узоқдан **жадал** келаётган бўлса керак, терлаб, яктагининг елкаларн ҳўл бўлиб кетган эди. У шундай деди-ю, яна **жадаллаб** юриб кетди. Катта Фарғона канали қурилишни **жадал** бошлиш. Одамлар самовар томон **жадал** юриб боришарди. Эш полвон ундан тасалли топадиган бирон гап эшишмагандан кейин қўл силтаб, зарда билан **жадал** юриб кетди (С.А.).

Тўсатдан, тўсиндан, қўққисдан, бехосдан, бирдан, бирданига, дабдурустдан, ногаҳон, кутимагандан, барогоҳ, иттифоқо, дафъатан, илкисдан, туйқусдан, туюқсундан, фавқулодда, лоп этиб синонимик қатори равишлар тизимида энг самарали бўлиб, кутимаганда содир бўлган воқеани англатади [2,196]. Улар орасида бирдан равиши энг фаол ҳисбланиди ва барча услубларда қўлланилади: **Бирдан**...асл мақсадга ўтди. **Бирдан** тан-жони илиқ-илиқ бўлди. **Бирдан** сергакланди. **Бирдан** жонланди. Соя **бирдан**...силжимай қолди (Т.М). А.Хожиев илкисдан, туйқусдан, туюқсундан равишларини диалектал деб кўрсатади: этай деганда чап солди, / **Илкисдан**

бурилиб кетиб (Алломиши). Лоп этиб да кутимаганликдан ташқари ҳаракатнинг жуда тезлик билан амалга ошганлиги оттенкаси ҳам ифода этилади: Бонунинг эсига **лоп этиб** отаси берган рисола тушди (О.Й). Илмий услубда: Бу ҳодиса бирдан, **ўз-ўзидан** рўёбга чиқмайди.

Бирданига, бехосдан, лоп этиб, қўққисдан равишлари оғзаки сўзлашувда, тўсатдан, дабдурустдан, ногаҳон, кутимагандан, барогоҳ, иттифоқо, дафъатан, фавқулодда равишлари китобий услубларда қўлланилади. Тўсатдан расмий оттенкага ҳам эга. Масалан, тўсатдан вафот этимоқ каби. Бадиий услубда: **Бирдан** мөш эсимга тушди. Боядан бери чирқиплаётган қушлар бирдан жимиб қолди. Ойим совчини гапириши билан негадир Кимсан акам **лоп этиб** кўз олдимга келди. Битта ўт кетса, тамом лоп этиб ёнади-ю, кулга айланади. Беш-олти қадам югуриб борди-ю, ўзидан ўзи гугурт чўпидек **лоп этиб** ёна бошлади (Ў.Ҳ). Юсуфнинг ёдига “**лоп**” **этиб** болаликдаги ўша аросат—тоғ ва лолақизғалдоқзордан бирини танлашга мажбур бўлган ҳоли тушди. Шунда “**лоп**” **этиб** ёдига ит—қавму қариндошлар тўпланиб Улуғтоққа дея кетишаркан, ўйлда дуч келганлари ўша бақувват ва баҳайбат чўпон ити тушди (Ў.Ҳ.).

Ҳаддан ташқари, жуда, ғоятда маъноларини берувчи фавқулодда равишида муболаға оттенкаси мавжуд: **Фавқулодда**...тош битикчуни олдидан чиқиб қолди. **Фавқулотда** кулимсиди (Т.М). Ундаги бу оттенка қўллаш кўламини кенгайтирган. Равиш ва сифатдаги ҳолат маъносини кучайтиришга хизмат қилган: Шу боисдан билмоқчимен: сиз фақирни ким деб биласиз?—шаҳзоданинг овози **фавқулодда** ғамгин эшиштилди. Барваста гаедасини сипоҳий либосларга сиқиб кийинаркан, Қашқирнинг **фавқулодда** юмшоқ, мулоийм овозини эшилди (О.Й). Чегарада ҳеч қандай **фавқулотда** ҳодиса рўй бергани йўқ (С.А).

Хомуш, маъюс равишлари ҳам ўзаро синонимик муносабатда. Хомушлик умуман инсоннинг руҳий ҳолатини ифода этса, маъюслик тушкунлик, умидсизлик маъносида бўлиб, асосан юзда акс этган ифодани билдиради: Лекин эрталабдан қовоғи очилмай, **хомуш** юрган Мирзо Улуғбек тоққа чиққач, пешанасидаги

ажинлари ёзилиб, лабига кулгу югурди. Али Қушчи бу серҳашам ва сержило хонани томоша қиларкан, хаёлига бир фикр келиб, **маъюс** кулимсираб қўйди. Мирзо Улуғбек, деди-ю, хаёлига яна бир фикр келиб **маъюс** жилмайди (О.И). Осмонда тўлин ой **хомуш** нур сочади. Анчагача хомуш ўтиридим. Молхонада галанска сизир **хомуш** пишқириб қўйди. Кўча четидаги дарахтлар табиатнинг аёвсиз қаҳри олдида таслим бўлгандек **хомуш** бош эгди (Ў.Х). Кўзларини хира чироққа тутиб **хомуш** ўтирап эди (С.А). Шунинг учун ҳам маъюс юз ва маъюс тикилмоқ каби ҳолатларда гапда аниқловчи ҳам, ҳол ҳам бўлиб келаверади.

А.Хожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да берилган яхши, дуруст, тузук, бинойи, бинойидек, жойида, соз, нозандай (ноппа-нозандай), (ноппа-нозин), боп, бопта, ажабтовур, авло, пошишахон, қойил, қойилмақом сўзларида ҳам ҳаракат белгисини англатиш хусусияти мавжуд. Улар орасида энг фаол қўлланиладигани яхши сўзи бўлиб, ҳам предметнинг, ҳам ҳаракатнинг белгисини кўрсатади: яхши бола, яхши ўқийди каби. У услубий жиҳатдан нейтрал сўз ҳисобланади: Аммо бу ердаги ҳамма нарсани яхши биламан. Ер илмини яхши биласиз. Бунинг учун илмли, агрономияни **яхши** биладиган раис керак. Оқсоқол ўрисчани **яхши** билиши энди эсига тушгандек таржима қилди (Ў.Х). А.Хожиев бинойи, нозандай, пошишахон, қойилмақом сўзларининг оддий

сўзлашувга хос эканлигини айтади: – **Бинойи** қилибсиз, хўп **бинойи** қилибсиз (Т.М). Ажабтовурни ҳам шу қаторга қўшиш мумкин: Ҳа, одам мавзолейдан чиқиб... **ажабтовур** бўлиб қолади! (ТМ). Жангоҳ дегани **ажабтовур** боғ экан. (Ў.Х).

Қойил сўзи бўлмоқ, қолмоқ сўзлари билан мустаҳкам бирлашиб кетган ва фразеологик бирликнинг таркибий қисмига айланганлигини мисолларда кўришимиз мумкин:— Мен сизнинг ақл-заковатингизга... обкомдаёқ **қойил бўлиб** эдим! Ўрага қараб ўтириди- ўтириди... ўзига-үзи **қойил бўлди** (ТМ). Дуруст, тузук сўзларида китобийлик, расмийлик оттенкаси мавжуд. Чунки бу сўзлар фақат шу услубларда фаол иштирок этади: **Тузук бўлиб қолдингми?** Ҳамманглардан ўзиминг хунарим **дуруст** экан. Тиригida **дурустроқ** гап оғзидан чиқмаган чолимдан ўлганда чиқадими?(С.А). Ушбу сўзларни менсимаслик маъносини ҳам сўзлашув нутқида яқол сезишимиз мумкин: - Аҳволларинг қалай? –**Тузук** ҳар ҳолда (сўзловчининг жавоб бергиси келмаганлиги ифодаланмоқда).

Демак, ҳолат равишлари ўзининг маъно нозикликларини нутқ услубларida тўла намоён этади. Ҳолат равишларини ўз ўрнида тўғри қўллай олиш нутқнинг таъсирчанлигини оширади ва тилимизнинг серқирралилигини янада ёрқинроқ намоён этади.

References:

1. Shoabdurahmonov Sh., Askarova M., Hojiev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili.1-kism.-T., O'qituvchi, 1980.
2. Tursunov U., Muxtorov J., Rahmatullaev Sh. Hozirgi O'zbek adabiy tili. -T., O'qituvchi, 1992.
3. Mirzaev M., Usmonov S., Rasulov I. O'zbek tili. -T., O'qituvchi, 1978.
4. Hojiev A. O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati. –T., O'qituvchi, 1974.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).